




- * Ёшлар Президент Ислом Каримовнинг "Туркистон" газетаси мұхбири саволларига жавобларини ўқиб-ўрганмоқдалар.
- * "ЧИМИЛДИҚ" да: Мүйловли қиз. Кундошли ош. Хол-башоратчи.
- * Рўзи Чориев севган аёл. Наполеонни йифлатган хоним.
- * Ўғрилар тавсияси фойдали



ТУРКИСТОН

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 февраль Чоршанба.
№ 11 (144202)

Газета
сағиғаланаётганда

Юртимизда амалга оширилаётган таълим тизимидағи ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастурнинг тарихий аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида ҳикоя килювчи "Баркамол авлод орзуси" китоби нашрдан чиқди. Президент Ислом Каримов томонидан яратилган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш миллий модели, шунингдек, Йўлбошчимизнинг Олий Мажлис IX-сессиясидаги "Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" маъруzasи ҳамда "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари асосида ушбу китоб юзага келди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ушбу китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Уни кириш сўзи билан Республика Давлат Матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов очди. Тадбирда сўзга чиққанлар таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг ҳаётимизга жадал тадбиқ этилиши, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастурнинг моҳияти ва умуман миллий моделимизнинг оламшумул аҳамияти ҳусусида сўз юритиши.

— Янгича ўқиш, ишланинг ўзи бўлмайди, — дейди Тошкент давлат университети ректори Тўрабек Долимов, — шунинг учун ҳам бизга юксак маънавият ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи фозил инсонлар керак. Дастурнинг асосий мақсади ҳам айнан баркамол авлодни тарбиялашдан иборатdir.

Йўлбошчимиз китобини танишириш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тухтапўлат Рисқиев иштирок этди.

НАЗОКАТ

ИШОНЧ КАРВОНЛАРИ



Тошкентдаги Миллий матбуот марказида ҳалқаро гроссмейстер Рустам Косимжонов билан унинг яқинда Голландияда ниҳоясига етган супертурнирдаги иштирокига багишланган учрашув бўлди.

Рустам Косимжонов жаҳондаги машҳур ўн уч шахматчи, жумладан бир неча бор жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан шахмат таҳтасида беллашувга доир таассуротларини сўзлаб берди ва бу мусобақа АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан

ўзи учун яхши мактаб бўлганини таъкидлади.

Бу йил Рустам учун мусобақалар тифиз йил бўлади. У жаҳон чемпионатидан ташқари Осиё чемпионатида ва бошқа бир қанча йирик ҳалқаро шахмат мусобақаларида иштирок этди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов учрашув иштирокчиларига республикамизда шахматни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

ЎЗА

НАВОЙ РУХИНИ ШОД АЙЛАБ

Мамлакатимизда буюк мутафакир, шеъриятизм сultonи Алишер Навоий таваллудининг 558 йиллиги кенг нишонланмоқда. Меҳнат жамоали, мактаблар, ўқув юртлари, кутубхоналарда шонли санага багишланган адабий кечалар, учрашувлар, навоийхонликлар бўлиб ўтмоқда.

Улуғ бобокалонимиз таваллуд топган кун - 9 февралда унинг муборак номи билан аталувчи Ўзбекистон миллий бори эрталабданоқ ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ўқув юртларининг талабалари, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари билан гавжум бўлди. Бу ерда буюк шоир таваллуд кунига багишланган анъанавий маросим бўлиб ўтди. Уни республика ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ҳалқ шоири Абдулла Орипов очди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон ҳалқ ёзувчи Одил Ёкубов, Ўзбекистон ҳалқ шоири, Навоий мукофоти совриндори Барот Бойқобулов, таникли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов ва бошқалар Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарлари билан адабиётимизни, она тилимизни, маданиятимиз ва маънавиятимизни кўёш қадар юксакликка кўтартган сиймо эканлигини таъкидладилар.


Боғдаги Навоий ҳайкали пойига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазири, Ёзувчилар уюшмаси номидан гулчамбарлар қўйилди. Санъат усталари шоир ғазаллари асосида тайёрланган концерт дастурини намойиш этди-лар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов қатнашди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Андижон мұхандислик-иқтисодиёт институти қошида ташкил этилган академик лицейда янги ўқув йилидан бошлаб иқтидорли ўқувчилар «Кичик академия»си фаолият кўрсатмоқда. Бундан мақсад - лицей ўқувчилари орасидан зеҳни ва зукко, истеъододли ёшларни маҳсус тест синовлари ёрдамида аниқлаш, уларнинг иқтидори бўйича пухта билим олиши учун шароит яратиш ва алоҳида машғулотлар ўтказишдан иборатdir. Бунинг самараси ўлароқ, институтнинг Абдувосит Ниёзов, Аброр Бердираҳмонов, Ойбек Ниёзов каби талабалари Тошкентдаги ҳалқаро аэрокосмик мактаби машғулотларида қатнашди. Улугбек Ашурев эса «Акселс» ташкилоти танловининг барча босқичларида муваффақиятли иштирок этди.

ЎЗА мұхбирлари



Ислом КАРИМОВ

**ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ
ЎЗ ҚҰЛИМИЗ
БИЛАН
ҚУРМОҚДАМИЗ**

"Туркестон" газетаси мұхбірининг
саволларига жаңоболар

ТОШКЕНТ, УЗБЕКИСТОН - 1999

Акс садо**БҮНДА ФАҚАТ ЭЗГУЛИК**

Президенттімиз Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мұхбірининг саволларига берган жавоблари юртдошларимиздә катта қызықиши үйғотмоқда.

Собиржон ИБРОХИМОВ, қурувчи:

-- Йўлбошчимизнинг сұхбатларини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Менинг тушунишмача у энг аввало биз -- ёшларга қаратилган даявтадир. Чунки бальзи тенгқурларимиз ўзларининг ҳаётдаги ўринларини тополмай, ҳар кўйга тушиб юришибди. Йўқ, мен бу билан уларни қораламоқчи эмасман. Фақаттина улар ўз тафаккурларида ижобий ўзгариш ясай олсалар янги аср учун ўзларига қулай имконият яратган бўлардилар.

Хусан СУВОНОВ,

Тошду нинг журналистика факультети талабаси:

-- Менга маъқул бўлгани, бу сұхбатда Ислом Каримов ёшларни турли хил мафкуравий таҳдидлардан огох этган. Тўғри, биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган Ислом динини қадрлаймиз, одамзод руҳий дунёсида иймон-этиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак

баҳолаймиз. Лекин ундан ёзву ниятлар учун фойдаланишга мутлақо қаршимиз. Президенттимиз ўз сұхбатларida ана шундай мафкуравий таҳдид моҳиятини бутун бор бўйича очиб берганлар.

Дилиоза КАМОЛИДДИНОВА, Жаҳон тиллари университети талабаси:

-- Бугун Ўзбекистонда барча соҳаларда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг барчасига ҳалқимизнинг меҳнатсеварлиги, гайрату шиҷоати ва энг асосийи юритмизда тинчлик, миллатлараро тутувлик асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик нафақат республикамиз, балки ватандошларимиз тақдиррида ҳам ўзига хос аҳамият касб этяпти.

"Туркестон" газетаси мұхбірининг саволларига берилган жавобда ана шу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Азамат ТОЛИПОВ,
кекса ўқитувчи:

-- Нафақага чиққанимга қарамасдан ҳали-ҳануз мактабда болаларга дарс бераман. Президенттимизнинг сұхбатлари газетада чоп этилганидан хабар топиши биланоқ уни ўқувчилаrimга ўқиб бердим. Очигини айтганда, ҳозир Ўзбекистондаги юксак ривожланишларни кўрмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Ана шундай бадниятли кимсалар учун ҳам ушбу сұхбат ўзига хос жавоб бўлади, деб ўйлайман.

Лобар ТОШМАТОВА, қўшма корхона ҳисобчisi:

-- Айтишларича, ўз тарихини унугтан элнинг келажаги бўлмас экан. Мустақилликнинг ёшларга берган неъмати ҳақида узоқ сўз юритиш мумкин. Энг асосийи ҳалқимизнинг тарихи, дини, этиқоди ва маънавияти Истиқол шароғати билан қайта тикланди. Бугун аксарият ёшларимиз ҳаётга айрича, теран назар, ишонч билан қараптилар. Ўзимизни, ўзлигимизни англай бошладик. Ахир бундан кувонмай бўладими?!

Демакки, эртаниги кунимиз янада порлоқ ва мунавар бўлишига шубҳа йўқ. Президенттимизнинг "Туркестон" мұхбери билан ўтказган сұхбатларida ана шу эзгу юмушларга яна бир карра назар ташланади.

Назокат УСМОНОВА

ДАВРА СУХБАТИ

Президенттимиз И.А.Каримовнинг "Туркестон" газетаси мұхбірининг саволларига жавобларини наманганлик ёшлар катта қызықиши билан ўрганишмоқда. "Камолот" жамғармаси вилоят ўқибимидан бўлиб ўтган давра сұхбати иштирокчилари Юртбошимизнинг бугунги кун ёшларига нисбатан билдираётган ишончи келгуси авлодлар баҳти ва маънавий камолоти учун қандай ишларни амалга ошириш лозимлиги

хусусида ўзаро фикр алмашдишлар.

Ёшларга нисбатан билдираётган ишончларига жавобан, "Камолот" жамғармаси зиммаларига юкламилаётган масъулиятни ҳис қилишлари зарурлигини таъкидладилар.

Ушбу мавзуга бағишлиланган давра сұхбатлари, мунозара кечалари вилоятнинг барча туманларида давом этмоқда.

О.МАҲКАМОВ,
Наманган вилояти**ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ**

"Камолот" ёшлар жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими Президенттимиз Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мұхбірининг саволларига берган жавобларини ўрганишга багишиланган мулокот ўтказди. Сұхбат чоғида Юртбошимиз мамлакатимиз келажаги кўп жиҳатдан жамиятнинг бунёдкор кучи - ёшларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаганликларига ўтибор қаратилди. Шу боис, истикболимиз эгалари ҳар тамонлама баркамол, маънавий стук кишилар бўлиб етишишлари лозим. Бунинг учун ёшлар уларга яратиб берилаётган барча имкониятлардан самарали фойдаланишлари зарур.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎЗА мұхбери**МАКТАБ ҚУРГАН ФЕРМЕР**

Истиқол шароғати билан ҳам тадбиркорлик, ишбинармонлик кенг қулоч ёймоқда. Кейинги йилларда биргина Андикон туманинаги ёрбоши қишлоғида истиқомат қилюви ўн иккى нафар тадбиркор ўзларининг изланувчанлиги яратувчанлиги билан эл назарига тушдилар. Улар катта сармояси билан балки саховатпешалиги сабаб ҳурмат топди.

Шулардан бири "Мустақиллик" дехқон хўжалигининг раҳбари Ҳабибулло Мақсумов ўз маблагига 15-мактабнинг йўлдош биносини қисқа муддатда куриб берди. Мана иккى йилдирки, 180 ўринли 7 та синхрондан иборат мактабда ёшлар таълим олишишти. Тадбиркор ҳар байрамда ўқувчилар ва ўқитувчиларга баҳоли кудрат совгалар улашади, дехқон хўжалигига етиширилган, турли маҳсулотлар шунингдек, ишлаб топилган маблаглар эвазига оталик ёрдами кўрсатади.

Тадбиркорларимиз 12 та эмас, ундан ҳам кўпайсан дейишияти ёрбошиликлар. Чунки 12 азамат сабаб қишлоқда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

С. АБДУРАХМОНОВ

ЕЗУВЧИ ЕДИ

Аброр Ҳодоятов номидаги ўзбек давлат драма театри биносида Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ташаббуси ҳамда Миср Араб Республикасининг элчихонаси, Миср маданият маркази ва Ўзбекистон-Миср дўстлик жамияти билан ҳамкорликда таникли араб ёзувчиси Тавфиқ ал-Ҳаким таваллудининг 100 йиллигига багишлаб кечга ўтказилди. Маълумки, Тавфиқ ал-Ҳакимнинг "Шарқ қуши", "Рӯҳнинг қайтиши", "Қишлоқ терговчисининг кундалиги", "Фаройиб оқшом" каби асарлари ўзбек китобхонлари томонидан илик кутуб олинган. Кечада адабине асарларидан кўриниш ижро этилди. Араб тилида янграган шеър-қўшиқлар эса тадбирга ўзгача файл багишлади.

Кечада Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мамадуҳ Шавқий иштирок этди.

Нигора СУЛАЙМОНОВА,
талаба

Мирпўлат МИРЗО

**ШАҲИДЛАР
ХИЁБОНИ**

«Ишончим комилки, бу одамлар қандайдир помиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун по маълум солдат бўлиб жанг қылмаганлар. Қаиси жонга бўлшишасин, ўз она юрти, тугилиб ўсган қишлоғи, муштипар онаси, суюкли ёри, фарзандларининг қадрдан сиймоси доимо уларнинг горагида, фикри хаёлида турган...»

Президент Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мұхбірининг саволларига жавобларидан

Йигитлар — юртни ёв босгандা бир кун, Қалқдилар «Ватан!» деб, дилда чин ихлос.

Гарчи ёлғон Ватан эди у, лекин Улар қабрларда қолдилар, бу рост!

Чархнинг ўйинлари гоҳ жумбок мисол, Дунё эврилишда кечар бегумон. Аммо эътиқод ҳам топганда завол, Нахот шахид руҳи тентир саргардон?

Мозий жанг урҳоси ўчмас хотирдан, Ўзбек ҳам ҳайқирган унда барадла. Лекин у нимани ўйлади экан, Оққайнини кучиб кўз юмган палла?

Ёт тупроқ остига кўмилган ҳислар Ҳеч кимга маълуммас гарчи тоабад, Аммо сўнгги дамда у шахид аскар ўз юртни ўйлаган бўлса, не ажаб!?

Ёд этган, шубҳасиз, у ҳаёт сеҳрин, Мунаввар умрининг зиёларини; Ёд этган синглисинг бокира меҳрин, Ёд этган онасин дуоларини.

Балки юрагида ёнган сўнг дафъа Шам каби липиллаб ўтичи-зори. Балки кўз олдига келган бир лаҳза Бешикка термилган ғамдийда ёри.

Балки боғбон эди, балки у — чўпон, Балки хассос бўлган ундаги туйғу. Ҳар қалай, ёв йўлин тўсган навқирон Беш юз минг ўзбекнинг бири эди у.

Тингла жангоҳлардан таралмоқда сас, Шахид қисматидан сўйлар ҳикоя. Йўқ, у ҳандакларда ўзга юртнимас, Ўз қадим тупроғин килган ҳимоя.

Қўксин ёв ўқига қиларкан қалқон, Жангларда арслондек ўкирган маҳал, Ўз юрти шарафин ёд этган ҳар он, Ўз юрти номусин ўйлаган аввал.

Кулсин деб бошида унинг хур иқбол, Бахшида этароқ ширин жонларни,-- Улар энтиқканлар ўйлаб эҳтимол Буюқ саодатни — ушбу онларни.

Қўзларга ёш қалкар бу кунлар, рости, Янгтар юракларда ғамгин тарона. Шахид ўғлонларин бағрига босди Мушфик Ўзбекистон -- ғамгусор она.

Ажаб руҳ пойтахтни чулғар чаманга, Оқшомлар хавасда термилар ҳилол. Жаннати хиёбон... Мангу аланга... Барҳаёт шахидлар... ҳамда Истиқол!

Дилбар кечаларда уйкусиз эпкин Шахидлар нидосин шивирлар, шаксиз: -- Сизга топширганмиз Ватанини, лекин Сева олгаймисиз севганчалик биз!?

МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мұхбери саволларига жавоблари Бухоро вилояти барча меҳнат жамоалари, ўкув юртларида катта қызықиши билан ўқиб ўрганишмоқда.

Бухоро давлат университетида ўтказилган анкүман ҳам ана шу мавзуга багишиланди. Унда сўзга чиққан олимлар, талабалар, вилоят ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлими вакиллари Юртбошимизнинг «Туркестон» газетаси мұхбирининг саволларига жавобларида мамлакатимизнинг истиқол йилларида босиб ўтган йўлига холисона баҳо берганлариги, келажак ҳаётимиз, фаровон турмушимизга шу кунларда тамал тоши қўйилаётгандиги таъкидларидар. Унда баён этилган қоида ва хуносаларнинг барча олий ва ўтга маҳсус ўқув юртларida, умумталим мактабларида ўқиб ўрганишни ташкил этиш тавсия қилинди.

Илҳом Сафар,
ЎЗА мұхбери

УЯТ
БҮЛМАСИН АЁЛ

Юртимизда 1999 йилнинг аёлларга багишланганлиги кўп ва кўп савоблардан нишондур. Зеро, Аёл -- бу иффат-латофат, ибо-ҳаё, вафодиёнат демакодир. Буюк мутафаккир Алишер Навоий айтганларидек, "Карам ва мурувват ато ва анодурлар. Вафою хаё иккى ҳамзод фарзанд" дир.

Куйида шу боис ҳам чимилдиқ остонасида, катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларимизга, жумладан, қизларимизга айрим ҳатларда келтирилган саволлар асосида тиббий ва шаръий ўгитлар келтирамиз.

"ЖАҲАННАМГА ЎТИН БЎЛМАСИН АЁЛ"

Мұхтарам "Чимилдиқ" ижодкорлари! Аср поенига етши арафасида турган ушибу дамларда оиласи түрги режалаштирганинг бажи кўп болалик оиласи иктиносиди жиҳатдан қийналиб қолаётганислари ҳеч кимга сир эмас. Оиласи режалаштириши нотўрги тушунини оқибатида ҳатто боззи қишлоқларда ҳам ҳомилани олдириш, яъни аборт қилириш учраб турибди.. Утган сонлагинизнинг бирда дастлабки ҳомиласини олдириб ташлаған аёлнинг эёди фарзанди бўлолмаётганилиги ва ушибу қилемини қотилликса мензәётганилиги ҳақидаги тазаррусини ўқидим. Аборт ҳақида мутахассислар нима дейишаркин?

Бувниса ХОЛЛИЕВА,
Наманган

Аввало муқаддас кибларимизда зино қилиш тугул шу йўлга олиб борувчи ҳар қандай гуноҳлардан ириоқ бўлишингиз зарурлиги бежиз таъкид этилмаган. Яъни, фаҳш ботқогига ботиш, сархуш этувчи ичкаликларга берилиш, ёшларни, айниқса, ўсмирлик давридаги йигит-қизларни беибо лавҳали фильмлар билан онгини заҳарлаш кабилар зино-корликка олиб борувчи таҳдидлар мажмусидир.

Бугунги кунда СПИДдан ташқари заҳм, сўзак, трихомониаз, кламидиоз, ми-конлазмоз, генитал герпес, юмшоқ шанкр, таносил ли-мофранулематози, дона-ваноз ёки жинсий гранулема каби кўплаб жинсий йўл орқали юкувчи хавфли касалликлар зинокор омма орасида кенг тарқалмоқда. Куйида уларнинг турлари хусусида кисқача фикр юритамиз.

Захм (сифилис) - асосан жинсий йўл орқали юқадиган, дастлабки босқичларда фақат терини шикастлантирса, кейинги босқичларда кўплаб ички аъзоларни тикланмас даражада жароҳатлантирувчи, наслга ўтвучи таносил касалликларининг энг хатарли турларидан биридир.

Касалликнинг илк белгилари терига юқумли манба оқиш трепонамлар тушгандан 20-25 кун ўтгач вужудга келади. Бу даврда жинсий аъзоларда умуман оғриқсиз, гоҳо ўз-ўзидан кейинчалик йўқолиб кета-тиган қаттиқ шанкр пайдо лади. Гоҳида бу босқич юширин тарзда ярасиз ҳам ҳечиши мумкин. Аёлларда микроблар қиннинг шиллик ўрмаларига ёки бачадон

Аборт -- ҳомилани сунъий тарзда олиб ташлаш услубидир. Аввало, замона-вий табобат ҳам бугунги кунда бўйида бўлишдан

бўлмаган кишиларнинг амалга оширганилиги боис гоҳо ҳомила тухуми парчалири ичкарида ёпишиб қолиб кетади. Бу эса бача-сақловчи воситаларнинг юзлаб турлари мавжудлиги туфайли abortgacha бормасликни тавсия этади. Бу иш малакали мутахассислар орқали ўн иккى ҳафталик бўлгунга қадар, агар бўлғуси онада бўйрак, жигар, ўпка, юрак - кон томирлари мажмусида оғир дардлар бўлгандагина амалга оширилиши мақсадида қон кетказувчи дориларни ичадилар. Турли воситаларни бачадон бўшлигига юбориши сурункали яллигланиш касалликларига, кейинчалик эса буткул бефарзандликка олиб келиши мумкинлиги-

дон мускуллари қисқармаслиги натижасида қон кетишига ва бўлғуси онанинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Айримлар ҳомилани ўз билганича тушириши мақсадида қон кетказувчи дориларни ичадилар. Турли воситаларни бачадон бўшлигига юбориши сурункали яллигланиш касалликларига, кейинчалик эса буткул бефарзандликка олиб келиши мумкинлиги-

декан ўтган ила Сайфулла - 19 ёш.

ШАЙТОНИЯТ ИСКАНЖАСИДАГИ ШАЖВОНИЯТ...

мавзуга қайтиб

дан битиб кетиши тузалишдан эмас, касалликнинг янада ҳатарлироқ босқичга ўтганидан далолаттир. Иккинчи босқич терида оч қизғиш тошмалар пайдо бўлиши билан бошланади. Тошмалар деярли қичишмайди. Шунингдек, бу даврда дармонсизлик, бош оғриги, бўгимлар ва мускул толиқувчанилиги, ҳароратнинг бироз кўтарилиши каби белгилар пайдо бўлади. Бу тошмалар ҳам гоҳгоҳида ўзидан йўқолиб кетиб, кейин янга заҳмнинг навбатдаги гирифатида келади. Бу даврда айрим беморларда соч тўклиши, бўйин, тўш терисининг ранг оқариш ҳоллари ҳам учрай-

ди. Касалликдан даволанимай 3-4 йил муддат юрилганда учинчи даври бошланади. Бунда терининг чукур қатламлари, суяклар ва ички аъзлар шикастланади. Суяклар емирилиши натижасида буруннинг эгарсизон бўлиб қолиши ёки томирлар юқаланиши натижасида ёрилиб кетиб бемор ҳалок бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Захм юқумли манбаси орқа мияга ўтганда бемор кўр, телба ёки фала ж бўлиб қолиш имум-кин.

Айниқса, касалликнинг зурриёдга таъсири ўта хавфидир. **Сўзак (гонорея, триппер)** - кўпинча жинсий муносабатдан сўнг 1 кундан 15 кунгача бўлган даврда юза-



Саҳифа туэллифи шифокор Ўқтам Муҳаммад Мурод

ни унутмаслик жоиз. Қолаверса, ҳомилани туширишда қон кетказувчи дориворларнинг кичик дозаси тъсир қилмаса-да, бильакс катта дозалар умумий заҳарланиш ҳамда юрак, бўйрак, жигарнинг оғир хасталикларини келтириб чиқаради. Олдин аборт қилинган аёлларда кейинчалик бола чала туғилиши, одинроқ туғиб қўйиш,

лиши ҳам албатта тўғри. Ҳадисларда Расулulloҳ (с.а.в.) "Энг катта гуноҳлар Аллоҳга ширк келтириши, зинкорлик ва ўз болангни еяётган овқатингга шерик бўлишидан кўркиб ўлдириб ташлашинг" дейа таъкид этганлар.

Мұхтарам аёл, таассуғи, ҳомила йўлдош орқали

сен еяётган овқатингдан озиқланувчи шерикдир. Аборт эса бу мурлак шерикдан кутулмоқлик ниятида вужудингдан парча-парча этилган танани чиқариш эмасми?

Эй муслима аёл, ҳомиларни яширадиган, инсон қилиб олдириб ташлайдиганлар ҳамда зониялар Аллоҳ азобига мустаҳқ бўлувчилар эканлигини асло унутманг.

га келади. Касаллик пешоб чиқарув тешигининг кескин қизарishi, шишиши ва сарғиш-яшилсімон ажрал-

ма кела бошлаши билан ифодаланади. Беморларда пешоб йўли кескин ачиши, нисбатан тез-тез сийгиси қистаси ҳоллари учрайди. Ўз вақтида даволанилмаслик кўплаб асоратларга олиб келиши мумкин.

Юқорида таносил касалликларининг энг кўп учрайдиган иккى тури ҳақида тўхтадик, холос. Аммо шайтоннинг раяини қайтара олмаган ўш йигитлар бу касалликнинг олдини олишлари ва тўғри даволанишлари учун зарурӣ айрим тиббий маслаҳатлар мажмусини куйида келтирамиз:

1. Гарб матбуоти ва табобати кенг тарзда тарғиб этайтган бактерицид презервативларни ишлатиш услуби мавжудлигини унутманг. Гоҳо бу нарсаларни ишлатиб бўлса-да, касаллик юқтирадиганлар кўп. Бунинг биси, тиббий нуктаи назардан қаралганда ичкилик таъсирида ҳамда кин ажралмаларининг беморда куп бўлганилиги туфайли зония авратидан ташқари сон ичлари ҳам шикастланганидир.

2. Айримлар жинсий муносабатдан сўнг тезда сийшлари, пешоб чиқарув каналини махсус эритмалар билан чайишлари ҳам фақат қисман самара беради. Жинсий муносабатни ҳайвоний услугуда амалга оширадиган бъазилар зония аёллар оғиз бўшлигига мавжуд бўладиган заҳмли ангинанинг ўта юқумли эканини унутмасликлари шарт.

3. Чет эл фирмалари тарғиб қилаётган жуда кўп антибиотик дорилар вақтингчалик наф берувчи, гоҳо касалликни яширин тусда кечишига олиб келувчи омиллардан-дир. Бу дориларнинг бошқа аъзоларга салбий таъсирини ҳам унутмаслик жоиз. Сизга энг тўғри йўлни фақат шифокор курсата олади.

4. Ўзингизда бирон-бир зиноий касалликлар аломатини сезганингиз заҳотиёқ мутахассис шифокор қабулига шошилинг. Касаллик пайтида оғир меҳнат қилиши, спиртили ичимликлар истеъмол қилиш ва янга жинсий муносабатда бўлиш дарднинг зўрайиб, оғирроқ турларига ўтиб кетишига ва асоратланишига олиб келишини асло унутманг.

5. Ҳозирги кунда трихомоноз ва сўзак касалликлари кўзгатувчиларнинг одатдаги кучли дорилар умуман таъсири қилмайдиган янги шталенлари пайдо бўлди. Шу боис ҳам бу касалликлар белгуштлик, мижоз сустлиги, эрлик бези яллигланиши каби хатарли асоратларга кўпинча олиб келади. Касалликка йўлиқдан ҳолатда сизнинг ҳалоскорингиз фақат мутахассис шифокордир.



Киз бола палахмон тоши деб бежиз айтишмас экан. Аввали турмушимдан аж-ралганинан. Унинг ҳадеб ичавериши, ўринсиз хақоратлашлари туфайли

ХОТИН УСТИЧА КУНДОШМАН

қизимни олиб, хонадонини тарк этганинан. Сабр қил, инсофга келиб қолар дегувчишлар кўп бўлди. Тоқат ахир қачонгача.

Шу орада кимдир мени кузата бошлагандек туюлди. Орқавордан мен ҳақимдаги маълумотларни элак-элак қилиб суриштириш ишлари бошланди. Кейин бир кун... У одам дангалига "Ҳаммасидан хабарим бор, менга турмушга чиқинг", деб қолди. Томдан тараша тушгандек берилган бу саводдан довдираф қолдим. "Йўқ, бунинг иложи йўқ", деб олдим холос. Ҳар қанча норозилигимга қарамай, у орқамдан қолмади. У кишидаги меҳрибонлик, самимилик, мардлик қалбимга қандайдир бир иликлик киригандек бўлди. Аста-секин ўзим ҳам у кишига кўнига бошладим.

тўлар, овутишнинг ўзи бўлмасди. Она меҳридан йироқлиги қалбимни тирнарди. Лекин начора. Иложим қанча. Ишдан чарчаб-хориб қайтган хўжайнининг ҳам бирдан-бир овунчоги Азамат эди. Унга атаб турли ширинликлару, кийим-кечаклар олиб келарди. Бу нарса албатта улар билан иши бўлмай қолган, ота назаридан четда қолаётган катта ўғилларига ёмон таъсири қила бошлади. Буни зидан сезсанда, бирон нарса деб олмасдим. Охири яхшилик билан тугасин, деб яратгандан сўрардим. Бора-бора Азиз ва Темур оталарини Азаматдан қизгана бошлаши. Ҳеч ким йўқлигига болани жеркиб, силтаб урадиган одат чиқаришиди. Уларнинг ўртасига тушолмасдим. Бора-бора бу жеркишлар, силташлар энди менга қаратила бошланди. Ўзимни ҳар қанча кўлга олиш-

га ҳаракат қилмай ичимдан зил кетардим. Телевизорда бирор бир кўрсатувни томоша қилиб ўтирасам, келиб, сўроқсиз бошқа қаналларга олиб менсимай оёқларини чалиштириб ўтирарди. Танбеҳ берадиган бўлсан "ишиниз бўлмасин, бу отамники", деб гап қайтариши. Бир куни "...Итваччангни олиб, йўқол бу ердан" деган хақоратлари суюк-суюгимдан ўтиб кетди. Болаларни менга нисбатан бундай қайраётган ким ахир? Бир дастурхон атрофида жамул-жам бўлсинлар деб борини аямасам, ўз фарзандимни -- қизим-

ЗИЁДА,
Тошкент шахри

ЎЗИНГДА ҚАСДИНГ БОРМИ?

Туш пайти эди. Амир Темур хиёбонидаги буш ўриндиқлардан бирида дам олиб ўтирасам ёнимга бир қиз келиб ўтири. Эътибор бермадим. Бироқ у негадир тез-тез уҳ тортиб, ер тепкилайвергач, унга разм солдим. Келишган, хушбичим қиз экан. Устидаги кийими адашмасам Европанинг энг охирги модаларидан. Ўзини Зуля деб таништирган ўша қизнинг (бильмадим балки асли исми Зулфия, ё Зулхумор, ёки Зулайходир) дастлабки сўзи мендан сигарет сўрагани бўлди. Чекмаслигимни айтганимда менга ғалати қараб кулиб қўиди. Шу тариқа сухбатимиз қовушиб кетди. Зуля мени қаланги-қасанги гаплари билан ўзига бўйсундирдим, деб ўлади чоги, ниҳоятда айёронга тарзда ўз нархини бозорга сола бошлади. Жойи ўзида бўлган ҳолда бир соат "дам олиш" учун 3000 сўм экан. Бу менинг ўртачалигим учун кўйилган баҳо экан, акс ҳолда "кўк" и билан ҳисоблашишаркан...

Тушлик вақтим ниҳоясига етиб, ишхонамга кетишим зарурлигини айтгандим, Зуля ўзи-

нинг нархини уч минг сўм деб белгилаганлигини менга қиммат туюлашти, деб ўйлади шекилли, дарров ўз баҳосини тушира бошлади. Дастреб икки ярим, бир ярим минг сўм, кейин эса бир тийин ҳам керак эмас деди... Пойтахтнинг Юнусобод даҳасида хонадони, уйдаги музлатгичда ароқ-у шароби ҳатто "закуска"си ҳам борлигини айтиб, мени жиддий тарзда меҳмонга таклиф этишга ўтди. Кўп билан бир соат вақт таксида борилади-келинади, деди. Шу пайт икки йигит қаршимиздаги ўриндиқка жойлашишиди. Мен тушунмаган имо-ишоралар билан гаплашишиди-да, Зуля мени хайрни ҳам насия қилиб туриб кетди.

Зуля билан тасодифан танишувим мени чуқур ўйга толдирди. Жуда нари борса 30 ёшлар атрофида бўлган бу аёлнинг аянчли аҳволга тушиб қолиши сабаби нимада эканлигини ўйладим. Унинг ота-онаси, яқинлари ким, қолаверса, қандай маҳаллада вояга етган? Зуляларни жиноятчи десак бўладими? Агар шундай бўлса уларга нисбатан нега аниқ чора-тадбирлар йўлга қўйилмаган? Уларнинг келгуси тақдиди қандай кечади, жамиятимиз равнақига таъсири борми, каби саволлар мени тинч қўймади. Масаланинг иккичи томони ундан ҳам оғирроқ эканлигини англаганимда, тўғриси нафратим ошди.

Бу айрим аёлларимизнинг шу даражада тубанлашиб кетаётганинг лигидир. Ахир баданини пулга сотиш гуноҳлар ичиди энг оғир гуноҳ эмасми? Қолаверса, муслима аёлга хос эмас иллатлардан тийилмаслик, боши берк кўчада кезиши оқибати яхши маслигини нега англаб етишмаятиш улар.

Рўзибай АЗИМ

ТУРКМАН ҚИЗГА УЙЛАНАМАН

Ҳар бир миллатнинг ёшлари ўша миллатнинг кўзгуси ҳисобланади. Биз туркман ёшлари оила қуришга қандай тайёргарлик кўриши тўғрисида Тошкентда таҳсил олаётган туркман тенгдошимиз Сона Имомова билан сұхбатлашдик.

-- Туркман қизлари асосан ичча ўшда турмушга чиқади?

-- Қизлар 18-20 ўшда. Йигитлар 22-25 ўшда турмуш қуриши.

-- Улар асосан севишиб турмуш қурадими ёки ота-она розилиги биланни?

-- Бизда қиз билан йигит севишиб турмуш қуриши кам учрайди. Асосан қизлар ота-онасиning раъйига қарашади. Агарда қиз ота-онаси қулоқ солмай, қочиб кетса, ота-оналар бундай қизни сира кечиришмайди. Шу боис ҳам қочган қизлар бахти бўлолмайди. Туркман оталар ўзи кўриб, билган кишиларини кўёв қилишади.

-- Сизларда сен масаласини ким ҳал қиласди?

-- Тўйнинг барча ҳаражатлари кўёв зиммасида бўлади. Келиннинг сепига қанча ҳаражат кетадиган бўлса, кўёв томон қоплади.

-- Туркманча никоҳ тўй оқшоми қандай бўлади?

-- Асосан туркман тўйлари З босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич тўйда келин-кўёв дўст-ёрлари билан ўйин-кулги қилишади. Иккичи босқич асосий тўй қисми ҳисобланади, ёшларнинг барча қавми-қариндоши иштирок этади. Учинчи босқич тўй йигитнинг уйида ўтказилади. Унда келин билан кўёв ўз миллий кийимлари билан ҳисобланади. Келинларнинг узун туркман кўйлак кийиб, устидан эса кўйлакдан бир қарич калта маҳсус туркман безаклари билан безатилган ҳалат кияди. Сочини эса иккита ўриб бошига маҳсус туркман тақинчолари билан безатилган қалпогни кияди. Кўлларига эса бармоқлари билан туташтириб турувчи туркман безаклари билан безатилган тақинчоқ тақади. Кўёвлар учун миллий кийим: бошига узун оқ жунли телпак, оқ кўйлак ва қора шимнинг ўзи кифоя.

-- Тўйингиздаги иримлар?

-- Тўйда қизнинг отаси қизига бир уркачли она тия ҳадя килиди, доимо ризқи мўл-кўл бўлсин деб.

-- Ажралишлар қай ҳолатда рўй бериши мумкин?



-- Кўпчилик ҳолларда, ёшларнинг ўзлари ҳал қилган оиласи бузилиб кетади.

-- Туркман келинларининг бошқа келинлардан фарқи?


-- Туркман қиз келин бўлғач қайнотаси билан ҳеч гаплашмайди. Қачонки, гаплашмоқчи бўлса, қайноаси орқали мурожат қилади.

-- Туркман аёллари қачон "келинликдан" четлаштирилади?

-- Қачонки оила ўз-ўзини мустақил бошқара олса, алоҳида бўлиб кўчиб чиқади.

**Сұхбатдош: Комилжон ҲАСАНОВ,
талаба**

**"ЧИМИЛДИК,"
шнова ижодкорлари:
ПАЙПО, БЕКТЕМИР,
ШАҲНОЗА**
сахиба мөбчи: БАХТИЁР



ГАВАНА. Кубанинг Матансас вилоятидан заҳарланиш оқибатида 14 киши ҳётдан кўз юмди, яна 49 киши оғир ахводда касалхонага ётқизилди.

Мамлакат соғлини сақлаш вазирлигининг маълумотида айтилишича, заҳарланиш чанқаш, оёқ мадорсизланиши ва нафас олиш маромининг бузилини кўринишидан юз берган. Тибиёт ходимлари юзга яқин фуқарога кўмак беришга ултурган, холос.

Мутахассислар заҳарланиш хусусий дўйондан сотиб олинган, таркибидаги тез таъсири қулиучи кимёвий оғу бўлган егулик иштеймал қилингани туфайли содир бўлган, деб таҳмин қилишмоқда.

МЕХИКО. Гватемаладаги Пакая вулқонининг жуда фаоллашиб кетгани Марказий Америка давлати ҳукуматини ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан мамлакат фуқаро мудофааси бўлинмалари зарур бўлган пайтда яқин атрофда яшовчи аҳолини бошқа жойларга кўчириш учун шай ҳолга келтирилган. Маҳаллий ва хорижлик сайдеҳларга Пакая вулқонини яқиндан бориб кўриш таъкидлаб кўйилган.

Маълумотда айтилишича, баландлиги қарийб икки минг метр бўлган Пакая вулқони вулқонлардан ҳисобланади. Сўнгги вақтларда вулқоннинг бир неча марта кескин қўзгалгани натижасида бир неча қишлоқ аҳолиси кўчирилди. Ўтган йилнинг май ойидан эса мамлакат пойтахти осмонини вулқон кукуни қоплаши натижасида ҳалқаро аэропорт фаолияти вақтингча тўхтатилган эди.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг «Стардаст» фазовий қурилмаси «Дельта-2» ракета ташувчиси ёрдамида Флорида штатидан муваффакиятли учирилди. Мазкур планеталарро автоматик зонд бажарадиган вазифани унинг номидан ҳам билса бўлади. «Стардаст» «фазовий чанг» деган маънени англатади.

Ҳабарларга қараганда, учиш жойида «дунёдаги энг мураккаб чангютгич» лақабини олган бу аппарат Ерга фазовий чанглардан намуналар олиб қайтади. Аэронаутика ва коннот кенгликлари тадқиқотлари бўйича миллий бошқарма биринчи марта тоза фазовий чангларни олиб қайтиши бўйича автоматик зондга бундай топширикни юкламоқда. Бунгача фазовий унисурлар 1972 йили ойга бориб қайтган АҚШнинг «Аполлон-17» экспедицияси томонидан олиб тушилганди.

Оғирлиги 400 килограмм, баҳоси 165 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ва бутун миссия 210 миллион доллар деб баҳоланаётган «Стардаст» 2006 йилнинг январида Ерга кўнади.

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндияда Шимолий Кенгаш ҳамда Болтиқбўйи Ассамблейсининг қўшма анжумани бошланди. Унда ушбу ташкилотларга аъзо мамлакатлар бош вазирлари иштирок этмоқда. Шунингдек, тадбирда айрим бошқа давлатлар ташкилотларга мудофаа вазирлари ҳам қатнашмоқда.

Икки кун давом этадиган мазкур анжуманда иштирокчilar ташкилотлар ўтасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, Европа Итифоқи билан алоқалар, миңтақавий хавфсизлик, хиноятиликка қараша ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашади.

АФИНА. Курд ишчилар партияси /КИП/ раҳбари Абдула Ўжолан Гречия ҳукуматидан бошпана ҳамда курдлар муаммоси бўйича ҳалқаро анжуман ўтказишда ёрдам сўради. Гречиянинг «Вима» газетаси КИП раҳбарининг шу ҳақдаги мактубини ўзлон қилди.

Мактубда қайд этилишича, курдлар муаммоси ҳам Косово можароси каби ҳалқаро анжуман ўтказиш ўйли билан ҳал қилинмоғи лозим. Айнан шу максадда ҳалқаро ташкилотлар, Европа мамлакатлари, АҚШ, Россия ҳамда Хитой вакиллари иштирокида анжуман ўтказиш жоиз ва бу борада биз Гречиянинг кўмагига таяномиз, дейилади А.Ўжолан мактубида.

РАМБУЙЕ. Косово можароларини тинч ўйлар билан бартараф қилиш бўйича Францияда бошланган ҳалқаро анжуманинг расмий очилиш маросимида Сербия ҳамда косоволик албанлар вакиллари ҳам иштирок этди. Тадбир қатнашчилари уларнинг иштирокини ижобий баҳолаб, бу воқеани анжуманинг биринчи кунида эришилган энг катта муваффакият сифатида қарши олди.

МАНИЛА. Филиппин президенти

Жозеф Эстрада мамлакатдаги «Морони озод қилинислом фронти» гурӯҳи айримчилари билан музокаралар ўтказишга тайёр эканини маълум қилди. У февраль ойининг охирларидаги айримчилар етакчisi Ҳошим Саломат билан кўп йиллик қарама-қаршиликка чек қўйиш мақсадида шахсан учрашишини билдири.

Қузатувчиларнинг фикрича, Ж.Эстрада ва Ҳ.Саломатнинг бўлажак учрашуви Филиппин жанубидаги можарони тинч ўйл билан ҳал қилинда мухим қадам бўлади.

ТОКИО. 1995 йилда Токио метро-сида йўловчиларни газ билан заҳарлаган «Аум Синрико» мазҳаби ўзининг тиҷорий фаолиятини авж олдирмоқда.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили ушбу ташкилот компьютерлар билан савдо қилишдан бўллиард иен (53 миллион АҚШ долларидан ортиқ) даромад кўрган. Айни пайтда мазкур мазҳабга қарашли учта дўконда компьютер техникини арzonлаштирилган нархда сотилмоқда.

Токио метросида амалга оширилган кўпоручилар ҳаракатидан сўнг «Аум Синрико»нинг асосчиси ва йўлбошчиси Сиоко Асахара қамоқقا олинган бўлса, ушбу диний ташкилотнинг фаолияти расман таъкидланмаган.

НАЙРОБИ. Кения президенти Даниэл Арап Мои Эритрея ва Эфиопия ҳукумати раҳбарларини ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатишга ва можарони музокаралар ўйли билан ҳал қилишга чакириди. Д.А.Моининг Эритрея президенти Исайяс Авеворк ва Эфиопия Баш вазари Мелес Зинауга йўллаган мактубида икки давлат ўртасидаги ҳарбий можарони тинч аҳолининг қурбон бўлиши ва иктисодиётта катта зарар етишига олиб келиши таъкидланади.

Ўтган шанба куни Эфиопия ва Эритрея куролли кучлари ўртасида қақнатқич жанглар бошланиб кетди. Ҳабарларга қараганда, ҳар икки томон ҳам жиддий ҳарбий талофат кўрмоқда.

АРАБ ДУНЁСИ МОТАМ ТУТМОҚДА

Бундан бир неча кун аввал АҚШда даволаниб қайтган подшоҳ Ҳусайнни ўз ватанида шод-хуррам кутуб олган Иордания ҳалқи бугун чуқур мотамда. Ўтган якшанба куни миллат отаси - подшоҳ Ҳусайн ўзоқ давом этган саратор ҳасталигидан вафот этди. Бу Иорданиядан ташқарида ҳам кўпчилкни чуқур қайгуга солди. Ҳозир дунёнинг қарий барча давлатларидан подшоҳ Ҳусайн оиласига таъзия мактублари келмокда. Подшоҳи дағи этиши маросимида дэярия барча араб давлатлари ва кўплаб бошқа мамлакатларнинг давлат бошиллар, юқори лавозими мулозимлардан иборат делегациялар ташриф буормоқда. Подшоҳ Ҳусайнин вафоти муносабати билан Миср, Фаластин, Яман, Қувайт, Уммон ва Марқашда у кунлик мотам эълон қилинди. Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистонида эса мотам 40 кун давом этади. Ҳукумат идоралари уч кунга ётиб кўшилади.

Подшоҳ Ҳусайн ҳақида гап кетганди, унга узоқни кўра билувчи ва донишманд йўлбошчи, минтақада тинчлик учун толмас кураши, XX асрнинг забардаст сиёсати ва давлат араби, деган сифатлар кўлланади. Подшоҳ Ҳусайн босиб ўтган сиёсий ҳаёт ўйларни кузатсан киши бу таъсифга асос тонади.

Иордания подшоҳи Ҳусайн нафақат ўз ҳалқи орасида балки ҳалқаро майдонда ҳам катта обрӯга эга эди. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини амалга оширишдаги савӣ-ҳаракатлари, Иордания иктисодиётини юксалтириши ва Араб давлатлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ўйлида олиб борган фаолиётини ўнинг ана шундай шуҳратга эришишини таъминлади.

Маълумки, подшоҳ Ҳусайн ватанида бўлган сўнгги кунларидан бирада ўзи АҚШда даволанетган пайти баззи сиёсий ўзбошимчаликларга ўйл қўйган уласи Ҳасани Иордания Ҳошимийлар. Подшоҳлиги таҳти вориси ҳуқуқидан маҳрум этган эди. Унинг ўрнига Подшоҳ Ҳусайн катта ўғли Абдуллан таҳти вориси беъз эълон қилди.

Шаҳзода Абдулла ёш бўлишига қарамай, мамлакатда катта обрӯга эшигиган. У Иордания қуроли кучларининг юкори лавозимларидан шилаган. Шаҳзода Абдулла генерал-лейтенант унвонига эга бўлиб, таҳти вориси этиб тайинланишидан аввал Иордания армиясидаги маҳсус қисм ќўмандони вазифасини бажарар эди. Шу боис нафақат араб давлатлари, балки дунёнинг қатор давлатлари раҳбарлари Иордания подшоҳи Абдулланинг мамлакатда тоғувлик, минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш ўйлида отаси юртган сиёсатине изчил давомчиси бўлшиша шубҳа қилимаяти.

Сайдмурод РАХИМОВ,
ЎЗА шархловчиси

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

-- Хўп, энди, азизларим, менга руҳсат, оз-моз юмушларим бор. Дарвоқе, -у яна ўғлига юзланди: -- қассобхонага мен ўзим тушаман. Сиз гўшт-ёғ олиб ўтирунг, бек.

Ҳожининг одати шу. Рўзгор учун гўшт-ёғни ўзи ҳарид қиласди. Катдан пастга тушаркан, ҳамон нима қиласини билмай жим ўтирган ўғлига яна бир пинҳона назар ташлаб олди. Лекин индамади, дилида пинҳон турган "зарур гап"ни ичиди сақлаб қолди. Бирок Ўктамбек бу гапни ҳалиги ривоят асносида илғаб, уқиб олди. У ота олдида ер билан яксон бўлиб ўтиради. Шу боис ҳам ўрнидан жилган ҳожи ортидан гуноҳкорона бош эгиг, қалтирок овозда:

-- Дада... Мен бугун ҳеч қаёққа бормайман, -дея олди, холос.

Ҳожи унга бир дам жим бокиб турди-да, кейин сўз қотди:

-- Йўқ, ўғлим. Лафз қилибсиз, энди унга риоя қилинг. Боринг. Боринг-да, ипни бир йўла узиб келинг...

Шаҳодат бону гап нимадалигини англаб ултурмади. Ўктамбек ўрнидан даст турниб келиб, отасининг бўйинидан кучди. Ҳожи унинг кўзларida нам сезди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Ўктамбек икки ўт орасида қолди. Энди нима қилисн? Қандай қилиб у Тахмина билан ўз ўртасидаги ипни бир йўла узиб келинг? Бу ип оддий ип эмас, узиб бўлмас юрак риштасику ахир!

Тахмина... аввало, ундан узоқлашиш, уни тарқ этишининг ўзи кечириб бўлмас номардликку. Ҳа, ана, Тахмина уни сев-

майди, унга муҳтоҳ ҳам эмас, дейлик, бироқ Ўктамбекнинг ўзи унинг фироғида кўйиб-ёниб, унинг оёқлари остида тиз чўкиб ялиниб-ёлворганлари, ундан раҳму шафқат, марҳамат сўраб илтижо қилганлари қаерда қолди? Тахмина ниҳоят "мойилик кўрсалти", унга ўз оғушини очди. Ўктамбек билан ўтадиган висол онлари гул-гул очиладиган, яй-раб-яшнайдиган бўлди. Тўғри, гап бориб, бу учрашувларнинг пировард оқибати нима билан туташига бориб тақалса, Ўктамбек нима дейишини билолмай калов, қолар, кўпинча "Агар китобдан Мумтоз сени

қўйиб юборса, мен сенга бажонидил ўйланардим", деб кўярди. Шунда Тахмина: "Аввало, Мумтоз мендан асло ажралмайди. Мабодо мен ўзим уни бошимдан соқит қўймоқчи бўлсан ҳам, у бизни бариб тинч-омон қўймайди. унинг қўли етмайдиган жой йўқ. Бу бир. Иккичидан, дадангиз Иброҳим ҳожининг ўзлари ҳам бунга асло йўл қўймайдилар. Ҳали ўйланмаган ўғлига мени хотинликса олиб беришдан кўра, яхиси сиздан воз кечиб қўя қолар", - дерди.

Ўктамбек буни яхши тушунади. Тақвадор отаси учун Ўктамбекнинг бу қилиб юрган иши ўлим билан баробар. Дадаси ор-номусни инсонлик шаъни-

ни. имону диёнатни ҳамма нарсадан устун қўяди.

Ногоҳ кўз олдига дадасининг тунов кунги телевизорда чиқиб айтган гаплари келди.

Куръони Каримда Аллоҳ мусулмонларга буюриди: "Зинога яқинлашманлар. Албатта бу фаҳиш иш ва ёмон йўлдир". Куръони Каримнинг Нур сурасида яна битилиди: "А л а т т а . мўмінлар ичидан фоҳиша ишлар тарқалишини хоҳловчиларга бу дунё-ю у дунёда аламли азоблар борди". Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом эса, "Қайси қавмда зино тарқалса. Аллоҳ таоло уларни ота-боболари билмаган касалликларга мубтало қиласди" деганлар. Мана, бугун ҳам дадаси яна шу хусусда гапирди. Имом Нўймон ривоятни бехуда келтиради. Демак унинг қулогига Ўктамбек билан Тахмина ўртасидаги муносабатлар этиб келган. Дадаси уни огоҳлантириб ўтди.

Йўқ, йўқ, мен зино иш учун бораётганим йўқ. Мен фақат ўз суйганим билан, меҳру мұхабат болглаган Тахмина билан учрашиш, унинг висолидан жон озиғ олмоққа бораяман. Мен у билан бошқа зино ишга бормайман. Тахмина билан юз кўришиб

турсам бас. Қилган гуноҳларимни ўзинг кечиргин, тавба қилдим. Ўзинг сабрутоткат, ирова бахш эт.

...Тахминаниг ҳар гал бу ерга ялъял ёниб, очилиб-сочилиб, кўзлари кулиб яшнаб келишига ўрганган Сожида бугун унданда б

ОРЗУ РЎЁБДА ЧИҚДИ

Тошкент аэропорти байрамдагидек гавжум - Давлат спорт кўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси вакильлари, таникли ўзбек шахматчиси Рустам Косимжоновнинг дўстлари ва қариндошлари унинг Голландиядан қайтиб келишини кутишмоқда, шахматчи у ерда супер-турнирда иштирок этган эди.

-Рустамнинг бир неча бор жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан шахмат таҳтаси олдиди учрашиши орзу рўёбга чиқди, - деди Ўзбекистон шахмат федерацияси вице-президенти Мамажон Мухитдинов. - Бу учрашув гувоҳи бўлган мутахассислар Каспаров билан учрашувда Рустам муносиб уйин намойиш қилибгина қолмай, машхур рақиб олдиди ўзини йўқотмай, совуқонлик билан ўйнаганини якдиллик билан таъкидладилар. Бу машхур шахматчиларга хос фазилатдир.

Рустамжоннинг қисқача таржимида ҳоли ҳам унинг истеъодидан далолат беради. У 1994 йилда спорт усталигига номзод нормасини бажариб, 3 йилдан сўнг халқаро гроссмейстер мақомини олди. Қиёслаш учун эслатиб ўтаман, истеъодиди ўзбек шахматчиси Георгий Аъзамов номзодликдан халқаро гроссмейстерликка бўлган йўлни 17 йилда бошиб ўтган эди...

Мен Косимжоновнинг болгар Веселин Тапалов билан учрашувини ҳаяжон билан кузатдим, унда Рустам сицилияча ҳимоянинг камдан-кам учрайдиган вариантини кўллаб, маълум комбинациялардан фойдаланишдан ўзини тийди, рақибини доналарнинг нотаниш комбинациясига дуч кеттириди.

Косимжонов туғилган йилда таникли спорт устаси бўлиб етишган америкалик шахматчи Алексей Ермолинский билан беллашувда Рустам дадил мустақил фикрлашини намойиш этди. Голландиядаги супертурнирда иштирок этиши Рустам Косимжоновга жаҳон чемпиони тоғи учун етти нафар номзод билан куч синационал имконини берди, унинг назарий билимларини мустаҳкамлади, шу йил Лас-Вегасда бўладиган жаҳон чемпионати олдидан ўз тайёрларигини жиддий синовдан ўтказишига имкон берди. Бу жаҳон чемпионатида Ўзбекистондан шахматчи биринчи бор иштирок этди ва у Рустам Косимжоновдир. Рустам журналистларнинг кўп саволларига бундай жавоб қилди: -Мен Голландияда жаҳоннинг машхур шахматчилари билан қизиқарли жангларда унтилимас дақиқаларни бўшимдан кечирдим.

КАСБИ — ОИЛА БУЗИШ

Франциялик олдий хизматчи Люк Грасси хаваскор изқувар. У ўз қобилиятини... оиласларни бузишга сарфлайди.

Люк бўлажак мижозини, асосан аёлларни таънлаб, уларни кузатди. Мабоди хонимнинг маъшури бўлса, унинг шўри куриди, деяверинг. Изқувар уларнинг кетига тушди, суратга ола бошлайди. Сўнг хонимнинг эргига барча далилларни кўрсатади. У шундай усул билан қисқа вақти 23 оиласи бўзди.

Люк бажарган ишларига ҳақ сўрмаганди. Аксинча изқуварлик учун ўз маблагни сонуради.

Аёллардан бирни Грасси унинг оиласини бузгани ҳақида судга шикоят қилди. Судъя ундан иега бундай ишлар билан шугуулланасиз. Деб сўрмаганди. Люк шундай деди:

-- Мен хонимнинг эргига бевара хотини ҳақидаги суратларни кўрсатдиганимда, унинг кўзлариди пайдо бўлган туйгулар туғенини кўртганимда шунчалар роҳатланаманки, аста Киндеринг...

ҮРИЛЛАР НАСИХАТИ

Италиянлик руҳчунос Жованни Манари чакана савдо на ҳизмат кўрсатиц тармогининг айrim соҳалариди ишлани хавфли экан, деган фикрга келди. Унинг гапига қарашда, тунда ишлайдиган ёнили қўниша шаҳобчалари, таъмдихона ва қаҳваҳоналар, шунингдек, кичик дўкончиларни сўхబлари ўрилар ҳужумига кўпроқ дуч келишар экан.

Ҳўнг тунги босқинчилардан ҳимояланиш учун нима қилмоқ керак? Бу саволга жавоб топиш мақсадида Жованни на хоним қуроли босқинчилар учун қамоқда ётган 300 нафар ўтири билан сўхбатлашиб, кўйидаги тавсияларни тайёрлади:

- ўзингизни "қаҳрамон" қилиб кўрсатишга уринманг;
- кассадаги пулларни гап қайтармай босқинчиларга топширинг;

- қартис ҳаракатлар қилманг, овоз чиқарманг;

- ўтрининг кўзига қаттиқ тикилманг, "чақирилмаган меҳмон"ларга бу ёқмайди;

- қароқчилардан раҳм-шафқат сўраманг, уларнинг аса-би чатоқ...

Камоқхонада ёттанилар озод бўлгач, яна эски ҳунарини қилишмоқчи шекилини.


*Спорт
юддизлари*

Гарри Каспаров ва Виштванд Ананд билан беллашувлар жуда қийин кечди, лекин шу учрашувлар сира ёдимдан чиқмайди.

Жаҳоннинг кучли гроссмейстерлари билан беллашишини илгари тез-тез орзу қилиар эдим. Бу орузимнинг рўбига чиқиши мен мамлакатим учун баҳти бир даврда - мустақилликка ёришиб, ўз тараққиёт йўйини белгилаб олган ва юксалётган даврда яшатганимни англаб олишимга ёрдам берди. Шу туфайли мен яқин вақтгача учрашиши кўзим етмаган шахматчилар билан мусобақалашиш имкониятига эга бўлдим.

Ваъда беришни ёмон кўраман, лекин бўлажак жаҳон чемпионатида Ватанининг спорт шарафини ҳимоя қилиш учун кўлимдан келган ишни қилишга тайёрман.

(ЎЗА)



ТЕМИРИНГИЗ ЕТАРЛИМИ?

Темир моддаси тўқималар ва органларни кислород билан таъминлашда мухим аҳамиятлайди. Агар у етишмаса, инсон тез ҷарчайди. Қонингизда темир етарлими?

1. Ўзингизни ҷарчоқ ва эзилган ҳис этасизми? **ХА ЙУК.**

2. Сочингиз мўрт ва рангиз бўлиб қолганини сездингизми? **ХА ЙУК.**

3. Тирноғингизда чуқурчалар ёки чизиқчалар пайдо бўлдими? **ХА ЙУК.**

4. Сўнгига пайдада бирор баҳтсиз ҳодиса туфайли кўп қон йўқотдингизми? **ХА ЙУК.**

5. Сиз жиддий кучи-кувват талаб қиладиган спорт тури билан шугуулласизми? **ХА ЙУК.**

6. Сиз кўп гўшт ейсизми ёки умуман истеъмол килмайсизми? **ХА ЙУК.**

7. Бир кунда уч пичёладан кўп қора чой ёки кофе ичасизми? **ХА ЙУК.**

8. Сиз ҳом сабзавотни ейсизми ёки уни узоқ вақт қайнатасиз? **ХА ЙУК.**

9. Ичакларингиз яхши ишлайдими? **ХА ЙУК.**

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ

Агарда Сиз етти марта "йук" жавоби бердингиз:

-- Унда организмингиз фаолияти яхши. Шундай овқатлансангиз, кам чой ёки кофе исчсангиз, асабингизни толиқтириласангиз темир моддаси маромида бўлади.

Саволларнинг "ҳа" деб жавоб берсангиз:

-- Организмингизда темир моддаси етишмайди. Дарҳол шифокорга учрант. Кўпроқ гўшт, сабзавотлар, дуккакли, доили маҳсулотлар истеъмол қилинг. Кофе ва чойни камроқ ичинг. Темир моддасини кўлайтирадиган дорилардан фойдаланинг.

Миллионлар уйини

ОВРУПОДА "УЙГОНИШ"

Куни кечаки Оврупонинг нуфузли майдонларида айни шу қитъянинг икки сорвани учун баҳслар бошланди. Чемпионлар лигаси ва УЕФА кубогида иштирок эттётган жамоаси - "Шахтёр" сафарда "Биркирка" (Мальта)га қарши тўп сурӣ, 1:2 ҳисоби билан устун келди.

Кўпгина мутахассисларни Шотландиянинг икки жамоаси кўрсатган натижалар хайратда қолдирди. Машхур "Селтик" жамоаси ўз уйиди Ирландиянинг "Сент Паприкс Атлетик" клубини қабул қилиб, 0:0 ҳисобига "рози" бўлган бўлса, "Килмаркок" вакиллари Босниянинг "Железничар" иштироки "Рейндже" мазкур давлатнинг (яъни Шотландиянинг) учинчи жамоаси. "Рейндже" эса меҳмонда (Ирландия) билан майдонга тушиб, учрашувнинг 58-дақиқасигача 3:0 ҳисобида мағлубиятга учраётган эди. Бироқ қолган 32 дақиқа давомида 5 та жавоб тўпи йўллаб, илк галабасига эришиди.

А.РАИМОВ

ЧИТА ТЕЗКОР
"КЎНГИЗ" ЧА

Немисларнинг "Didi Tech" фирмаси "VW Beetle"нинг янги нусхасини яратди. "Фольксваген"нинг 1,8 литрли турбомоторининг куввати 320 от кучига етказилди. У сатига 262 километргача тезликда юра олади. 100 километр тезликка чиқиб олиши учун атиги 6 секунд кифоя. Супер- "кўнгизча"нинг нархи: 96500 немис маркаси.

"NISSAN ALMERA"
"ТИНО" ТА
АЙЛАЧМОҚДА

"Алмера" асосида яратилаётган "Ниссан"нинг янги минивенн (ўзимизнинг "маршрутка"га ўхшаган) "Алмера Тино" деб номланди. Бу автомобиль Европа учун ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги таҳминларга кўра у март ойида Женевада ўтказиладиган автосалонда илк бор намойиш этилади.

Олти кишига мўлжалланган мазкур машина аввал Япония йўллариди, сўнг Европа мамлакатларида синаб кўрилади. Янги минивенлар Барселонадаги "Ниссан" корхоналарида ишлаб чиқарилади. У 2000 йил баҳоридан сотувга кўйилади.

ЎЗИМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?

Сочимиз толаси бир кунда 0,35 миллиметр тезликда ёки бир йилда 12 сантиметр ўсади. Эркаклар сочининг толаси уч йил, аёлларни 10 йил яшаб, сўнг янгиси пайдо бўлади. Шу тарика инсон ўртача умр кўрганида тахминан 1-3 миллион дона толага "эга" бўлади.

"Хурмача"га нима сигади? Инсон ошқозонига 1,3 литр ҳажмиди суюқлик сигади. У бир кечакундузда 1,5 литр ошқозон шираси ажратади. Пивоҳур немислар бир кунда саккиз литргача пиво ичишган экан.

Терлайсизми? Инсон бир кунда одатдаги юмушларни бажарганида ўзидан 0,7 литр тер ажратади. Бу билан у ўз вужудининг ҳароратини бир маромда сақлаб турди. Иссиқ ва дим бўлган тропик мамлакатлар аҳолиси эса бир кунда 4 литр терни бўлгатади.

Эркаклар ўртача умри давомида 18 минг литр, аёллар 18 минг литр тер чиқарди. Бу тер билан 60 та ваннани тўлдириши мумкин.

Тилингизни биласизми? Тилимиз бор-йўғи 50 грамм тош боасди, узунлиги 9 сантиметр. Унда камиди 17 муҳакама бор. Овқат ейёттанингизда у бир дақиқада 80 марта ҳаракатга келади. Ҳар қандай таомни истеъмол қилаёттанингизда тўрт мингдан зиёд таъм билувчи рецепторли толалар мияга ахборот беради.

Аксирганимизда оғизимиздан соатига 170 километр, йўталганимизда эса 900 километр тезликда тупук сачрайди.

МАНЗИЛИМИЗ:

700083 Ташкент Матбуотчалар ҳуҷаси, 32-йд

Хариднинг яхшилган материаллар қўйтирилмайди.

Муаллифлар фикри таҳрирят нуткан назаридан


фаридланни мумкин.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШПАРИНИНГ
«КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош мұхаррир
Абдуқодир НИҦОЗОВ

Навбатчи мұхаррир
Лола СОАТОВА



ТАҲРИРИЯТ:
Бош мұхаррир — 133-89-61
Абдуқодир НИҦОЗОВ
Хатлар бўлими — 133-67-69